



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КОРРУПЦИЯ ҚАРШИ
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ**

**Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш бўйича
долзарб масалалар: амалга оширилган тизимли
ишлар ва истиқболдаги вазифалар**



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ИЧКИ НАЗОРАТ (КОМПЛАЕНС-НАЗОРАТ) ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

117 ТА ДАВЛАТ ИДОРАЛАРИДА ТЎЛИҚ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

74 ТАСИ ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТГА ЭГА БЎЛДИ



МАХСУС АЛОҚА КАНАЛЛАРИ
ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

1,2 ТРЛН СЎМ МАБЛАҒЛАРНИНГ НОҚОНУНИЙ
САРФ ЭТИЛИШИ ОЛДИ ОЛИНДИ

43 445 НАФАР ХОДИМ “ҲАЛОЛЛИК СТАНДАРТЛАРИ”
БЎЙИЧА ЎҚИТИЛДИ



КОРРУПЦИЯ ХАВФ-ХАТАРЛАРИ ДАРАЖАСИ БАҲОЛАНДИ

101 ТА ТАШКИЛОТ
7 525 ТА ФУНКЦИЯ

5 489 ПАСТ
1 541 УРТА
495 ЮҚОРИ


КОРРУПЦИЯВИЙ ХАВФ-ХАТАРЛАР ХАРИТАСИ
ШАКЛЛАНТИРИЛДИ ВА МИНИМАЛЛАШТИРИШ БЎЙИЧА
ЙИЛЛИК ДАСТУРЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

ХАВФ ЮҚОРИ БЎЛГАН ФУНКЦИЯЛАРНИНГ

172 ТАСИ РАҚАМЛАШТИРИЛДИ
42 ТАСИ ОЧИҚЛИГИ ТАЪМИНЛАНДИ
153 ТАСИ БЎЙИЧА ХОДИМЛАР МАЛАКАСИ ОШИРИЛДИ



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИШЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ РЕЙТИНГ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ИШГА ТУШИРИЛДИ



ОЧИҚЛИК ИНДЕКСИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ



2025 ЙИЛДАН БОШЛАБ ТУМАН ВА ШАҲАРЛАР ҲАМ
ҚАМРАБ ОЛИНАДИ

ОЧИҚ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ МАЖБУРИЙ БЎЛГАН
42 ТУРДАГИ МАЪЛУМОТЛАР РЎЙХАТИ ТАСДИҚЛАНДИ

“E-LEARNING” ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАСИ ИШГА
ТУШИРИЛДИ

600 НАФАРДАН ЗИЁД ОЧИҚЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА
МАСЪУЛ ХОДИМЛАР ЎҚИТИЛДИ



ХАЛҚАРО МОЛИЯ ИНСТИТУТЛАРИ МАБЛАҒЛАРИ ҲИСОБИДАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ УСТИДАН ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ЎРНАТИЛДИ

815 МЛН ДОЛЛАРЛИК **3** ТА ЛОЙИҲА БЎЙИЧА **387** ТА
МАҲАЛЛАДА “ТАШАББУСКОР ГУРУҲЛАР” ТАШКИЛ
ЭТИЛИБ, МАБЛАҒЛАР МАҚСАДЛИ САРФЛАНИШИ
НАЗОРАТ ҚИЛИНМОҚДА



ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИДА РАҚОБАТ МУҲИТИ ЯРАТИЛДИ

НАТИЖАДА
2023 йилда **8,2** ТРЛН СЎМ
2024 йилда **13,8** ТРЛН СЎМ

ИҚТИСОД ҚИЛИНДИ

387,1 МЛРД СЎМЛИК ҚОНУНБУЗИЛИШЛАР
АНИҚЛАНИБ, ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ БЕКОР ҚИЛИНДИ



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ТОМОНИДАН

578 ТА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ
ЛОЙИҲАЛАРИДА

906 ТА КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР АНИҚЛАНИБ
БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

АГЕНТЛИК ТОМОНИДАН


634 ТА НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТ
ЛОЙИҲАЛАРИДА

1089 ТА КОРРУПЦИЯВИЙ ОМИЛЛАР АНИҚЛАНИБ
БАРТАРАФ ЭТИЛДИ



КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ БЎЙИЧА ЗАМОНАВИЙ МЕХАНИЗМЛАР ЯРАТИЛДИ

СОҲАЛАР ВА ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА КОРРУПЦИЯ ТАРҚАЛГАНЛИК ХАРИТАСИ ЯРАТИЛДИ



1. КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР СТАТИСТИКАСИ
2. БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИДАН МАҚСАДСИЗ ФОЙДАЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИ
3. ЖИСМОНИЙ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ
4. ИЖТИМОИЙ СЎРВНОМА НАТИЖАЛАРИ
5. ИЖТИМОИЙ ТАРМОҚЛАРДАГИ КОРРУПЦИЯ БИЛАН БОҒЛИҚ МАТЕРИАЛЛАР

КОРРУПЦИЯНИ ИДРОК ЭТИШ МЕХАНИЗМИ ЖОРИЙ ҚИЛИНДИ



74,8 ФОИЗ
КОРРУПЦИЯ ҲАҚИДА ХАБАР БЕРИШГА
ТАЙЁР



64 ФОИЗ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШУВЧИ
ИДОРАЛАРГА ИШОНИШАДИ



83 ФОИЗ
СОҲАДАГИ ИСЛОҲОТЛАРНИ
ҲИС ҚИЛМОҚДА



93 ФОИЗ
КОРРУПЦИЯНИ ҚОРАЛАЙДИ

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИ ОШИРИЛДИ

50 ТА
СЕМИНАР

1300 ТА
ТАШКИЛОТ

ННТЛАР УЧУН
2 МЛРД **717** МЛН СЎМЛИК
ГРАНТЛАР

НАТИЖАДА:



ЛОЙИҲА ВА АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР



АКСИЛКОРРУПЦИЯ КОВОРКИНГ
МАРКАЗЛАРИ



СОҲАЛАРДА КОРРУПЦИЯВИЙ
ОМИЛЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ
БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР



БОЛАЛАР УЧУН АКСИЛКОРРУПЦИЯ
АЛИФБОСИ ЯРАТИЛДИ

ИНСОН ОМИЛИ МИНИМАЛЛАШТИРИЛДИ

731 ТА ДАВЛАТ ХИЗМАТИ ИНТЕРАКТИВ ПОРТАЛ ОРҚАЛИ ЭЛЕКТРОН КЎРСАТИЛМОҚДА
17 ТУРДАГИ РУХСАТ БЕРИШ ТАРТИБИ БЕКОР ҚИЛИНДИ
80 ТА ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ СОДДАЛАШТИРИЛДИ
60 ФОИЗ ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН ҲУЖЖАТЛАР ҚИСҚАРТИРИЛДИ



“ЯГОНА ТИББИЁТ АХБОРОТ ТИЗИМИ”

“ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНЛАРИНИ БОШҚАРИШ АХБОРОТ ТИЗИМИ”

“ОИЛА КРЕДИТ” ЭЛЕКТРОН ПЛАТФОРМАЛАРИ ИШГА ТУШИРИЛДИ



2024 ЙИЛДА КОРРУПЦИЯГА ОИД
ЖИНОЯТ СОДИР ЭТГАН ШАХСЛАР
СОНИ 2023 ЙИЛГА НИСБАТАН **27** ФОИЗ,
ЖИНОЯТЛАР СОНИ ЭСА **24** ФОИЗГА КАМАЙДИ



КОРРУПЦИЯГА ОИД ЖИНОЯТЛАР
ОҚИБАТИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАР
2024 ЙИЛДА **2,8** ТРЛН (2023 ЙИЛДА
1,4 ТРЛН) СЎМНИ ТАШКИЛ ЭТГАН.



ЖОРИЙ ЭТИЛАЁТГАН ЯНГИ ЧОРАЛАР

“МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ ТЎҒРИСИДА” ГИ ҚОНУН ИЖРОСИ ДОИРАСИДА КЎРИЛГАН ЧОРАЛАР



ИДОРАЛАРАРО КОМИССИЯ фаолияти йўлга қўйилди

- ✓ **379** та давлат идоралари **РЎЙХАТИ** тасдиқланди
- ✓ **95 600** нафар ходимларнинг билим ва кўникмалари **БАҲОЛАНДИ**
- ✓ **УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА** ишлаб чиқилди
- ✓ **85 581** нафар ходимлар ўқитилди
- ✓ **213** нафар ходимларнинг яқин қариндошлари бевосита бўйсунувида ишлашига **ЧЕК ҚЎЙИЛДИ**
- ✓ **1 513** нафар давлат хизматчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши **ТЎХТАТИЛДИ**



“E-ANTICOR.UZ” платформасида манфаатлар тўқнашуви билан боғлиқ ҳолатларни **АНИҚЛАШ ВА ОНЛАЙН МОНИТОРИНГ** қилиш имконини берувчи **ЭЛЕКТРОН МОДУЛ** ишга туширилади

- ✓ ИШГА ЖОЙЛАШИШ
- ✓ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАЙИНЛАШ
- ✓ ИШ ЖОЙИДА РАҒБАТЛАНТИРИШ
- ✓ АТТЕСТАЦИЯ ВА БАҲОЛАШДАН ЎТКАЗИШ
- ✓ РУХСАТНОМА (ЛИЦЕНЗИЯ)ЛАР БЕРИШ
- ✓ ХАРИДЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ
- ✓ НАЗОРАТ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ
- ✓ ДАВЛАТ МУЛКИНИ ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

ЖАРАЁНЛАРИДА

НЕПОТИЗМ, КРОНИЗМ ВА МАҲАЛЛИЙЧИЛИКНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ВИРТУАЛ АКАДЕМИЯСИ



КУРСЛАР:
БАЗАВИЙ
МАХСУС (ЧУҚУРЛАШТИРИЛГАН)



МИЛЛИЙ ИНСТРУКТОРЛАР ГУРУҲИ
ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ
БЎЙИЧА ЭЛЕКТРОН МАЪЛУМОТЛАР
БАЗАСИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



ХАЛҚАРО КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШ АКАДЕМИЯСИДА
МАЛАКАСИ ОШИРИЛАДИ



2025 йилда:
140 минг
НАФАР ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИСИ

3 млн
НАФАР АҲОЛИ ЎҚИТИЛАДИ
(БОҒЧА ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИ,
ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР, ТАДБИРКОРЛАР
ВА БОШҚАЛАР)

ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРГА АСОСЛАНГАН ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА



СИНГАПУРНИНГ ЛИ КУАН Ю
НОМИДАГИ ДАВЛАТ СИЁСАТИ
МАКТАБИ



ШВЕЙЦАРИЯНИНГ БАЗЕЛЬ
БОШҚАРУВ ИНСТИТУТИ



ФИНЛЯНДИЯНИНГ ҲУҚУҚ
УСТУВОРЛИГИ МАРКАЗИ



МАЛАЙЗИЯНИНГ КОРРУПЦИЯГА
ҚАРШИ КУРАШИШ АКАДЕМИЯСИ



МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШ АКАДЕМИЯСИ



ВЕНГРИЯНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚНИ
МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ



ДАВЛАТ РАЎБАРИНИНГ СОҶА БЎЙИЧА ЭЪТИРОЗЛАРИ

1

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар коррупцияни **оқибатлари** билан курашиб, **олдини олишга** етарли эътибор бермаётганлиги

2

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмаларининг **коррупция омилларини аниқлаш ва бартараф этиш**да ташаббус кўрсатмаётганлиги

3

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги вазирлик ва ҳудудларга бориб, **муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш** билан шуғулланмаганлиги

4

Соғлиқни сақлаш, бандлик, банк соҳаларида коррупция юқори бўлсада, уларни «коррупциядан ҳоли» соҳага айлантириш бўйича етарли иш қилинмаганлиги

5

Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари номигагина ташкил этилиб, **туман ва маҳаллалар билан боғланмаганлиги**



ДАВЛАТ РАЎБАРИНИНГ СОҶА БЎЙИЧА ЭЪТИРОЗЛАРИ

6

Терговчи, прокурор ва судьялар томонидан идораларга киритилган **тақдимнома** ва **хусусий ажримларнинг** таъсирчан эмаслиги, муҳокама ва жавоб хати расмийатчилик учун қилинаётганлиги

7

Давлат харидини **46 фоизи** танлов ва тендерларсиз, тўғридан-тўғри шартнома орқали амалга оширилгани **коррупция хавфини кучайтираётганлиги**

8

Давлат хизматига очиқ танлов асосида ишга қабул қилиш, давлат хизматчисини иш натижаси ва **салоҳиятига қараб баҳолаш тизими** жорий этилмаганлиги

9

Қонунчиликда коррупциявий **жиноятларнинг аниқ рўйхати йўқлиги**, ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида олдини олиш механизмлари киритилмаганлиги

10

Айрим идоралар томонидан судга таъсир ўтказиш, Судлар фаолиятига аралашиш ҳолатлари ҳали-ҳануз давом этаётганлиги

Коррупция омилларини аниқлаш ва бартараф этиш



Агентлик, вазирлик ва идоралар **ҳар чоракда**



коррупция юқори бўлган камида **3 та соҳа** тумангача тушиб, **маиший ва тизимли коррупция омиллари** чуқур ўрганилади



рақамлаштириш, бюрократияни бекор қилиш, очиқлик ва ҳисобдорликни таъминлаш бўйича аниқ таклифлар Миллий кенгашга киритилади



Миллий кенгаш **чоратadbирлар дастурини тасдиқлаб**, ижроси юзасидан раҳбарлар ҳисоботини эшитади



Олий Мажлис тегишли қўмиталари



бюджетдан энг кўп маблағ оладиган **3 та вазирликка бориб коррупциявий омилларни аниқлайди**



Ҳудудий кенгашлар **ҳар чоракда** камида **битта соҳада коррупциявий омилларни бартараф этиш** бўйича **Миллий кенгашга** таклиф киритади



Миллий кенгаш умумий назоратни амалга ошириб, ҳар ойда туман ва шаҳарга тушиб йиғилиш ўтказади

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ СОҲАСИДА

1

Тўғридан-тўғри харидларни **2 баробарга** қисқартириш чораларини кўриш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш

2

Давлат харидларида товар ва хизматларни нархи бўйича белгиланган талабларни бузганлик учун (бозор нархидан **20 фоизга ошганда**) жавобгарлик белгилаш

3

Бюджет ва **бюджетдан ташқари жамғарма маблағлари** ҳисобидан асосий воситаларни харид қилиш бўйича талабларни кучайтириш

4

давлат харидларида қонунбузилиши ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича **сунъий интеллект технологияларини** қўллаган ҳолда махсус назорат қилувчи электрон платформани ишлаб чиқиш ва ишга тушириш



Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги устувор вазифалар

Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари

5 та вазирлик ва идоранинг
(Соғлиқни сақлаш, Қурилиш, Сув
хўжалиги, Нефтегаз ва
Сувтаъминот)нинг **комплаенс**
назорати Агентликка ўтказилади

Ички назорат тузилмалари
самародорлик кўрсаткичлари
ишлаб чиқилади, шунга асосан
рағбатлантириш ёки жазолаш,
малакасини ошириш тизимлари
жорий этилади

Ички назорат тузилмалари
мустақиллигини таъминлаш
учун улар **фақат давлат**
органи раҳбарига
бўйсунди, шунингдек раҳбар
ва ходимларини лавозимдан
озод этишда **Агентлик билан**
келишилади

Ички назорат тузилмалари
фаолияти натижалари бўйича ҳар
йрим йилда **Вазирлар**
Маҳкамасига ахборот киритиб
борилади

Вазирлар Маҳкамаси томонидан
ички назорат тузилмалари
фаолиятини самарали ташкил
этишда камчиликларга йўл қўяётган
идора раҳбарларига нисбатан чора
кўради




Вазир ва ҳокимлар лавозимида номзодлар кўриб чиқиладиганда уларнинг **коррупцияни олдини олиш бўйича режасини** тақдим этиши



Ҳар ойда 1 тадан назорат инспекцияси фаолиятини танқидий кўриб чиқиб, улар фаолиятидаги коррупция омилларини бартараф этиш



Айрим турдаги **сертификат ва рухсат этиш** хусусиятидаги ҳужжатлар (*карантин, ветеринария ва бошқа*) рўйхатини мақбуллаштириш



Сунъий интеллект асосида аҳолининг саволларига қўл телефони орқали содда жавоб берадиган **онлайн платформани** ишга тушириш



Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкини **декларация қилиш** тизимини жорий этиш



Виртуал академияда **ҳалоллик, қонунга итоаткорлик** муносабатини шакллантириш дастури доирасида давлат хизматчиларини ўқитиш

Коррупцияни қабул қилиш индексининг 9 та манбасига масъул идораларни белгилаб, мамлакатимиз ўринини яхшилаш бўйича “Йўл харита” ишлаб чиқиш

Ижтимоий сўров натижаларига кўра олий таълим муассасаларида коррупциянинг асосий сабаблари

2023–2024 йилларда ўтказилган мазкур тадқиқот талабалар, ўқитувчилар, университет раҳбарияти ва бошқа ходимлар, шунингдек, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, комплаенс-назорат ва таълим сифатини назорат қилиш органлари вакиллари билан интервьюлар асосида амалга оширилган.

Социологик сўров натижаларига кўра, мамлакатнинг 14 шаҳрида жойлашган 16 та университетни қамраб олган тадқиқотда респондентларнинг:

76,7% - олий ўқув юртларидаги коррупцион хатти-ҳаракатларнинг асосий сабабчиси сифатида **талабаларни** кўрсатган;

34,3% - коррупция учун **ўқитувчиларни** айблаган;

25,4% - яхши баҳолар учун пора берадиган **талабаларнинг қариндошларини** асосий омил сифатида кўрсатган;

15,6% - **университет маъмуриятини** коррупция учун масъул, деб ҳисоблаган.

Олинган маълумотларга кўра, талабаларнинг академик натижаларини баҳолаш жараёнидаги энг кенг тарқалган коррупция хавфлари қуйидагилардан иборат:

Ўқитувчиларга **баҳоларни ўзгартириш** мақсадида талабаларнинг босими (**27,88%**);

Ўқитувчиларни **совғалар орқали рози қилиш** уринишлари (**16,03%**);

Баҳолар қўйиш тизимида университет маъмуриятининг **ўқитувчилар akkaунтига кириш имконияти** (**10%**);

Дарсларни қолдириш (**9,45%**);

Талабалар томонидан **сохта маълумотнома** тақдим этилиши (**8,33%**).



Жаҳон тажрибаси: коррупция хавфларини мисоллари ва уларни Ўзбекистонда олдини олиш зарурати

Бу тўпламда жаҳон тажрибасида қайд этилган олий таълим, илм-фан ва инновациялар соҳаларидаги асосий коррупция хавфларини мисоллари келтирилган.

Бундай муаммолар ва таҳдидлар Ўзбекистонда ҳам бўлиши мумкин. Ушбу соҳаларда шундай хавфлар мавжуд ёки йўқлигини ўрганишимиз керак, агар мавжуд бўлса, уларни бартараф этиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишимиз зарур.

1. Олий таълим тизимидаги асосий коррупция хавфлари

Қабул жараёнларининг шаффоф эмаслиги
Имтиёзларни беришда, қабул учун сохта асослар яратишда ёки айрим номзодларга имтиёзли шароитлар яратишда манипуляция қилиш хавфи.

Билимни баҳолашда коррупция

Ижобий баҳоларни, зачетларни, диплом ишларини сотиш ёки ўқитувчиларнинг муносабатини мукофот эвазига ўзгартириш имконияти.

Илмий даражаларни беришда қоидабузарликлар

Диссертацияларни ҳимоя қилишда ноўрин ёндашув, плагиат ҳолатлари, рецензия ва экспертиза жараёнларига формал ёндашиш.

Таълим жараёнларини бошқаришда манфаатлар тўқнашуви

“Ўз одамлари” ва ходимлар манфаатларини лоббилаш, таълим муассасаларида кадрларни тайинлашда қариндошчилик ва кланчилик.

2. Илм-фан тизимидаги асосий коррупция хавфлари

Илмий маълумотларни сохталаштириш
Грантлар, мукофотлар ёки илмий унвонларни олиш учун тадқиқот натижаларини бузиш ёки ўйлаб топиш хавфи.

Илмий ҳалолликка риоя қилмаслик
Илмий мақолаларда плагиат, муаллифликни ўзлаштириш, илмий этикани бузиш ҳолатларини яшириш.

Грантлар ва молиялаштиришни ажратишда шаффофликнинг етишмаслиги

Тадқиқотлар учун маблағларни танловсиз ва аффилланган шахслар манфаати учун тақсимлаш.

Илмий кенгашларда ва рецензия жараёнларида манфаатлар тўқнашуви

Одатда “Ўз” лойиҳалари ва тадқиқотчилари фойдасига қарор қабул қилиш.

3. Инновациялар тизимидаги асосий коррупция хавфлари

Сохта ёки самарасиз инновацион лойиҳаларни молиялаштириш

Янги технологиялар ривожлантирилишини баҳона қилиб давлат ва халқаро маблағларни ўзлаштириш.

Технологияларни тижоратлаштириш жараёнларида қоидабузарликлар

Инновация ҳуқуқларини арзон нархларда алоқадор тузилмаларга топшириш ёки рақобатчилар учун сунъий тўсиқлар яратиш.

Технопарклар ва кластерларни яратишда суиистеъмол ҳолатлари

Ер, ресурслар ва субсидияларни фақат “Ўз одамлари” компанияларига ажратиш, ҳақиқий инновацион фаолиятсиз формал тузилмаларни яратиш.

Инновацион фаолият натижаларини назорат қилишнинг етишмаслиги

Ишлаб чиқилган технологияларнинг амалиётга жорий этилишини текширмаслик ва ажратилган маблағлар самарадорлигини назорат қилмаслик.



Жаҳон тажрибаси: коррупция хавфларини мисоллари ва уларни Ўзбекистонда олдини олиш зарурати

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, олий таълим, илм-фан ва инновациялар соҳаларида коррупция хавфлари барча давлатлар учун долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам ушбу соҳаларда шундай хавфлар юзага келмаслиги учун ёки мавжуд бўлса, уларни бартараф этиш ва олдини олиш учун қуйидаги чоралар зарур:

- Барча жараёнларнинг максимал даражада шаффоф бўлиши.
- Мустақил комиссиялар ва мутахассислар томонидан баҳолаш.
- Жараёнларни рақамлаштириш ва ошкора қилиш.
- Вазирликлар ва идоралар раҳбарларининг шахсий жавобгарлигини кучайтириш.

*Бизнинг соҳада **коррупция муаммоси йўқ** - деб ўйлашга ҳам, бор экан, уни бошқа кимдир ҳал қилиб беради - деб умид қилишга ҳам ҳаққимиз йўқ.*

*Олий таълим, илм-фан ва инновациялар каби энг салмоқли соҳаларда коррупцияни бартараф этиш — бу айнан шу тадбирда иштирок этувчи шахслардан **нафақат бугунги куннинг талаби, балки Ўзбекистоннинг келажак авлодларининг фаровонлигига ва тараққиётига кафолатдир.***



Ўзбекистон Республикаси
**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ**



anticorruption.uz



Korrupsiyaga qarshi
kurashish agentligi



[@anticorruptionUzb](https://www.facebook.com/anticorruptionUzb)



[@antikor_uzb](https://www.telegram.me/antikor_uzb)



[@anticorruption.uz](https://www.instagram.com/anticorruption.uz)